



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 5 июнь, № 111 (8734)

Чоршанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САУДИЯ АРАБИСТОНИ БИЛАН УСТУВОР ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июнь куни Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, «ACWA Power» компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунаянни қабул қилди.



Саудия Арабистони компаниялари билан амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари, шу жумладан, қўшма инвестиция лойиҳаларининг бориши кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари «ACWA Power» билан самарали шериклик олиб борилаётганини мамнуният билан таъкидлади. Ушбу компаниянинг мамлакатимиз энергетика тармоғини «яшил» технологиялар асосида модернизация қилишдаги етакчи ўрни қайд этилди.

Бугунги кунда жорий ва истиқболли лойиҳалар портфели 17 миллиард доллардан ошди.

Ишбилармонлар кенгаши фаолияти доирасида Саудиядан янги компанияларни мамлакатимизга жалб қилиш бўйича фаол ишларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Аэропортлар инфратузилмасини такомиллаштириш, энергетика тармоғини ривожлантириш ва рақамлаштириш, иссиқлик таъминоти тармоқларини модернизация қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, фармацевтика ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тиббий клиникалар очиб, туризм марказларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги лойиҳаларини илгари суриш ва бошқа йўналишларга доир қўшма лойиҳаларни жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

БАДИЙ ТАРЖИМА СОҲАСИДА МУҲАММАД РИЗО ОГАҲИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО МУКОФОТНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини хорижий тилларга, жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, самарали ижод қилаётган моҳир таржимонларни муносиб рағбатлантириш, бадий таржиманинг савиясини янада ошириш, шунингдек, 2023 йил 22 декабрь куни ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат марказининг бадий таржима соҳасида **Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофоти** (кейинги ўринларда — Халқаро мукофот) таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Халқаро мукофот учун танловлар 2025 йилдан бошлаб, **ҳар икки йилда** бир марта қуйидаги йўналишларда ўтказилиши ва ғолиблар аниқлашни белгилаб қўйилсин:

Ўзбек адабиётининг насрий асарларидан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима;

Ўзбек адабиётининг шеърӣ асарларидан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима;

Ўзбек болалар адабиёти намуналаридан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима;

хорижий тилларда яратилган насрий асарлардан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима;

хорижий тилларда яратилган шеърӣ асарлардан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима;

хорижий тилларда яратилган болалар адабиёти на-

муналаридан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима.

3. Белгилансинки:

Халқаро мукофот ғолибларининг ҳар бири **махсус диплом, кўкрак нишони** ва базавий ҳисоблаш миқдорининг **300 баравари миқдоридан бир марталиқ пул мукофоти** билан тақдирланади;

ғолибларга Халқаро мукофот **тантанали равишда топширилади.**

4. Бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот кенгаши таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Халқаро мукофот кенгаши (А.Н.Арипов):

2024 йил 1 октябрга қадар Халқаро мукофотнинг махсус дипломи ва кўкрак нишони лойиҳаларини тасдиқласин, шунингдек, **расмий веб-сайт**ни яратсин;

Халқаро мукофотни **маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб этиш** орқали ижодий ташкилотлар, таржимонлар, ёзувчи ва шoirлар ўртасида оммалаштиришни ташкил этсин;

малакали мутахассис ва ижодкорлардан иборат таркибда талабгорларнинг ишларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйсин, ушбу ишчи гуруҳларнинг хулосаларини ҳамда кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда **ғолибларни аниқлаб, тақдирлаб босин;**

Халқаро мукофот ғолиблари билан **мунтазам фаол ижодий ҳамкорликни** йўлга қўйсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқ-

аро мукофот кенгашининг **ишчи органи** ҳисобланади.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот тўғрисидаги низоми тасдиқласин.

6. Ташқи ишлар вазирлиги Халқаро мукофотни хорижий мамлакатларда кенг оммалаштириш ва ғолиб деб топилган чет эллик иштирокчиларнинг мамлакатимизга таклиф этилишига кўмаклашсин.

7. Белгилансинки, Халқаро мукофот танловини ташкил этиш ва ўтказиш, шу жумладан, мазкур қарорнинг 3-бандида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Маънавият ва ижодий қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасининг харажатлар сметаси бўйича Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ажратиладиган маблағлар, ташкилотчилар маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор ижроси доирасида амалга оширилаётган тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 4 июнь

МАМЛАКАТИМИЗ САЙЁҲЛИК ЙЎНАЛИШИДА УЛКАН САЛОҲИЯТГА ЭГА

Кўлаб тарихий шаҳар ва обидаларга, бой табиатга эга Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ниҳоятда юқори. Шу боис кейинги йилларда ундан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Фикр

Буни ҳозирги кунга келиб 90 дан зиёд давлатлар фуқаролари учун визасиз режим йўлга қўйилгани мисолида кўриш қийин эмас. Шуларга мос равишда қисқа давр ичида 283 та меҳмонхона, 486 та хостел, 1200 та оилавий меҳмон уйи барпо этилди. Бу сайёҳаракатлар ўз самарасини бериб, сайёҳлар оқими сезиларли даражада кўчиди ва охириги икки йилда хизматлар экспортининг 40 фоизи туризм ҳиссасига тўғри келган.

Кун кеча Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини кўпайти-

риш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам айтиш шу масала атрофида қилинди.

Қайд этилганидек, туризм соҳасининг салоҳияти катта. Бу соҳага тикилган ҳар бир доллар келгусида 3-4 баробар даромад келтиради. Қолаверса, ҳар бир янги иш ўрни бошқа тармоқларда қўшимча 2 та иш жойини очиб имконини беради. Зеро, бугун бугун дунёда туризм энг муҳим иқтисодий соҳалардан саналади. Шу боис кўлаб давлатлар мазкур соҳани ривожлантириш, бу борада тегишли инфраструктуранинг жаҳон стандартла-

ри даражасида яратиш ва сайёҳлар оқимини ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари ҳозирги мураккаб геосиёсий вазиятда ҳудудларда туризмни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратадиган, инвестиция ва экспортни кўпайтирадиган соҳаларни қўллаб-қувватлаш зарурлигига алоҳида ургу берди. Бу бежиз эмас. Негаки, ушбу йўналишда Ўзбекистоннинг салоҳияти жуда юқори. Қолаверса, мазкур соҳанинг ривожини бошқа соҳалар тараққиётига йўл очиб беради.

Бунга Президентнинг Бухоро вилоятига ташрифи чоғида яна бир бор гувоҳ бўлдик. Хусусан, давлатимиз раҳбари Бухоро туманида янги халқаро аэропорти куриш таклифини илгари сурди ҳамда рамзий тугмани босиб, мазкур мажмуа курилишини бошлаб берди. ➡

Муносабат

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

Давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифи одамлар кайфиятини янада кўтарди, уларни фаолликка чорлади. Айниқса, аҳоли вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлар, самимий мулоқотлар, янги лойиҳалар тақдимотларида билдирилган фикрлар, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифалар Бухоро фарзанди сифатида мени ҳам гоятда хурсанд қилди.

Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида бугун ҳудудга янги ҳаёт, янги кайфият кириб келди. Вилоятнинг кифёаси, салоҳияти, мазмуни бутунлай ўзгарди. Ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислохотлар нафақат бухороликларни, узоқ-узоқдан келган меҳмонларни ҳам қувонтирмади.

Янги-янги корхоналарнинг ишга туширилиши туфайли одамлар ишли бўляпти, рўзғорига барака қияпти. Энг муҳими, мамлакатимиз раҳбарининг халқни тинглаш, унга дилдан яқин бўлишдек чинакам инсонпарвар сиё-

сатидан одамлар мамнун. Ҳар бир инсон ўзгаришларни ўз ҳаётида сезмоқда. Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, сўнгги йилларда вилоят иқтисодиёти 1,5 баробар ўсиб, 53 трлн. сўмдан ошганини, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишда 115 трлн. сўм инвестиция жалб қилиниб, 4,6 мингта корхона ишга тушгани ва 90 мингта иш ўрни яратилганини кўриш мумкин.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилди. Масалан, ёшлар ва хотин-

қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бизнесини бошлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, озу-истакларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш бўйича муайян ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифлари давомида ёшлар масаласи доим эътибор марказида бўлади. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Хусусан, Қизилсув туманида Бухоро вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда ёшларни билимли ва касбни қилиш бўйича ҳали кўп ишлаш кераклигига ургу берилди. «Оёғимиз остида»ги имкониятлардан фойдаланиб 544 та маҳалладаги 2 миллиондан зиёд аҳолининг шароитини янада яхшилаш зарурлиги қайд этилди. ➡

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТУРКИЯДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президентини Режеп Таййип Эрдоғанининг таклифига биноан 6 июнь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф доирасида Анкара шаҳрида икки давлат раҳбарлари раислигида Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилиши ўтказилиши кўзда тутилган.

Саммит кун тартибидан Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган.

Амалий ҳамкорликни кенгайтириш, энг аввало, товар айирбошлаш ҳажминини ошириш, sanoat, «яшил» энергетика, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик дастури доирасида кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилади.

Фаол маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш масалалари кўриб чиқилади. Халқаро сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилади.

Олий даражадаги музокаралар якулини бўйича икки томонлама қатор ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Туркия Президентлари икки мамлакат етакчи корхоналари ва компаниялари раҳбарлари билан биринчи қўшма учрашувини ўтказиладди.

ЎзА.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон — Туркия: ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июнь куни расмий ташриф билан Туркияда бўлади.

Бу йил икки мамлакат дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 32 йиллигини нишонламоқда. Шу ўринда таъкидлаш кераки, Туркия Республикаси дунёда биринчи бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган ва Тошкентда ўз элчихонасини очган.

Бундан ташқари, Туркия — Ўзбекистоннинг сиёсий мулоқоти ўзига хос динамика, ўзаро ишонч ва қардошлик муносабатларининг юксак даражаси билан ажралиб турадиган давлатлардан биридир. Бу руҳ Ўзбекистон — Туркия кўп қиррали стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлмоқда.

Ўтган етти йилда олий даражадаги 7 та ўзаро ташриф, шунингдек, давлат раҳбарларининг халқаро тадбирлар доирасидаги бир қатор учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу учрашувлар икки давлат раҳбарларининг шахсан ҳар томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга ва ҳамкорлик кун тартибининг янги йўналишлар билан тўндиришга интилаётгани-

дан далolat беради. Шунингдек, улар икки томонлама ҳамкорликнинг мамлакатларимиз ишбилармон доиралари учун қулай шарт-шароит яратиш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, маданий-гуманитар алмашинувлар каби йўналишларига қучли туртки бермоқда.

Мамлакатлар нафақат икки томонлама форматда, балки кўп томонлама глобал ва минтақавий платформада раҳбарлар доирасида ҳам ҳамкорлик қилиш учун улкан салоҳиятни рўёбга чиқаряпти. Улар орасида БМТ, Туркий давлатлар ташкилоти, ЕХТТ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва бошқаларни алоҳида таъкидлаш мумкин. ➡

Ўзбекистон — Туркия:

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҚАМЛАШ ВА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА



Икки давлат қонун чиқарувчи органлари ўртасида самарали мулоқот йўлга қўйилган. Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Туркия Буюк миллат мажлиси дўстлик гуруҳлари ва ихтисослаштирилган кўмиталари ўзбек — турк ҳамкорлиги кун тартибиди шакллантиришда ҳамда олий даражада эришилган келишувларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлашда фаол иштирок этмоқда.

Умуман олганда, сўнгги йилларда парламентларо мулоқот ҳар томонлама ривож топди, десак, тўғри бўлади. Хусусан, Туркия парламенти аъзолари Ўзбекистонда 2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтган Конституциявий референдум ва 2023 йил 9 июль кунини ўтказилган Президент сайловида халқро қузатувчи сифатида фаол иштирок этди. Ўз навбатида, 2023 йил 14 май кунини Туркияда бўлиб ўтган Президент ва парламент сайловларида Ўзбекистондан қузатувчилар қатнашди. Парламент делегацияларининг қатор ўзаро ташрифлари, уларнинг кўп томонлама платформалардаги учрашувлари, шунингдек, қонун чиқарувчи органлар раҳбарлари ўртасида телефон орқали мулоқотлар мунтазам равишда ташкил этилмоқда.

лат савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Россия, Хитой ва Қозғоғистондан кейинги ўринни эгаллайди. 2022 йил март ойида Ўзбекистон ва Туркия ўртасида имтиёзли савдо тўғрисидаги Битим имзоланди. Ушбу ҳужжат томонларнинг ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишдан манфаатдор эканини тасдиқлайди. Хусусан, 2023 йилда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 3 млрд. АҚШ долларидан ошди. Томонлар келгуси йилларда бу кўрсаткични 5 млрд. долларга етказишни режалаштирган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги инвестициявий ҳамкорлик жадал ривож топаётди. Туркия ушбу йўналишда ҳам Ўзбекистон иқтисодиётининг етак-

аниқлаш ва ўзаро муносабатларни ривожлантириш мақсадида мунтазам равишда Туркияга ташриф буюрапти. Жумладан, Навоий вилояти делегациясининг ўтган йили Туркияга амалга оширилган ташрифи якунларига кўра тўқимачилик, кимё, электротехника ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида умумий қиймати 230 млн. доллардан ортқ бўлган 11 та лойиҳа бўйича шартномалар имзоланди.

Жорий йилнинг 1-2 май кунлари бўлиб ўтган учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида Туркия вице-президенти Жавдат Йилмаз бошчилигидаги делегациянинг иштироки самарали кечди. Делегация Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қабул

раётган дўстлик ва қардошлик муносабатларининг пойдеворидир.

Мисли қўрилмаган ҳалокатли зилзила оқибатида Туркиянинг минглаб аҳолиси халок бўлган ва бошланасидан айрилган оғир дамларда Ўзбекистон халқи "Туркия, биз сен билан биргамиз!" дея бир тану бир жон бўлиб турк биродарларимизга ёрдамга шошилди.

2023 йилнинг 18 февраль кунини Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Туркиянинг Хатай ва Газиантеп музофотларидаги ташриф буюриб, содир бўлган зилзила муносабати билан ҳамдардлик билдириш учун ҳамкасби Мавлуд Чавушўғли билан учрашди. Ўзбекистон Туркияга одамларни излаб топиш ва уларга зарур тиббий кўмак кўрсатиш учун гуманитар ёрдам ҳамда қутқарувчилар ва тиббиёт ходимларидан иборат гуруҳни юборди. 2023 йил ёзда зилзилдан жабр кўрган турк ёшлари учун Ўзбекистонга ўқув сафари ташкил этилди.

Икки давлат халқлари ўртасидаги алоҳида муносабатларнинг яна бир ёрқин мисоли Самарқанд шаҳрида Туркия Бош консулхонасининг очилиши бўлди. Туркия ушбу тарихий кенда дипломатик ваколатхонага эга бўлган биринчи минтақавий бўлмаган давлатга айланди.

Икки мамлакат маданият ва фан номояндлари ўртасидаги фаол алоқалар маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, шунингдек, маданиятларни ўзаро бойитиш ва умумий маданий маконни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Туркиялик санъат усталарининг Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Шарқ тараоналари" халқаро мусика фестивали ҳамда Бахшичилик ва халқ амалии санъати бўйича халқаро фестивалларда фаол қатнашаётгани қувонарлидир.

"Хива — туркий дунёнинг маданий пойтахти" халқаро дастури доирасида 2020 йилда Туркияда Мухаммад ал-Хоразмий хайкали ўрнатилиб, "Хива бобо" ёдгорлик мажмуаси очилди. Шунингдек, икки мамлакат кино иҳодкорлари ҳамкорлигида суратга олинган ўзбек халқининг асл қхрамони Жалолиддин Манғуберди ҳаётига бағишланган "Мендирман Жалолиддин" тарихий сериали муваффақиятли лойиҳалардан бири бўлди.

Яна бир гап, бугун ўзбек ёшлари Туркияда таълим олиш имкониятидан унумли фойдаланмоқда. Ушбу имкониятни янада кенгайтириш мақсадида Бу-

хоро давлат тиббиёт институтида Туркия тиббиёт фанлари университети билан ҳамкорликда қўшма факультет ташкил этилди. Тошкент шаҳрида эса Туркия иқтисодиёт ва технология университетининг филиали очилди.

Икки мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган туризм йўналишини ўзаро ҳамкорликнинг "ўсиш нуқтаси" сифатида эътироф этсак бўлади. Хусусан, туркиялик мутахассислар Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожлантиришга жалб этилган. Аҳолиси ислом динига эътиқод қиладиган давлатлар орасида Туркия фуқаролари Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва диққатга сазовор қадимий жойларига энг кўп қизиқиш билдирмоқда. 2023 йилда Туркиядан Ўзбекистонга 100 мингдан ортқ сайёҳлар келгани шундан далолат беради.

Туркий халқларнинг бой маданий ва тарихий мероси посбонлари бўлган Ўзбекистон ва Туркия илм-фан ҳамда санъат соҳаларида ҳам ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. Икки мамлакат олимлари биргаликда илмий изланишлар олиб бормоқда, тажриба ва ахборот алмашмоқда, икки халқнинг буюк аллома ва мутафаккирлари ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган йирик симпозиум ва анжуманлар мунтазам ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ва Туркия футбол ассоциациялари ўртасида Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу йўналишдаги алоқаларни янада мустақамлашдан томонлар манфаатдордир. Хусусан, ёш футболчиларни тайёрлаш, турли ёшдаги терма жамоалар ўртасида ўртоқлик учрашувларини ташкил этиш, тажриба алмашиш ва мураббийлар малакасини ошириш бўйича қўшма курсларни уюштириш бўйича келишувлар мавжуд.

Оқоридагилардан кўриниб турибдики, расмий Тошкент ва Анкара кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, икки давлат ва халқлар ўртасидаги алоқаларни янги мазмун ва амалии ҳаракатлар билан тўлдирिशга қатъий интилоқда. Шу нуқтаи назардан, Туркияда бўлиб ўтадиган олий даражадаги икки томонлама саммит ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга куч ва конструктивлик бағишлаш билан бир қаторда, халқларининг ўртасидаги тарихий қардошлик ришталарини янада мустақамлашга хизмат қилади.

«Дунё» АА.

Сенат кўмитасида

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни овқатлантириш сифати қониқарлими?

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси мажлисида Андижон вилоятидаги мактабгача таълим ташкилотларида болаларни овқатлантириш ҳолати атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда юртимизда 6 824 та давлат мактабгача таълим ташкилоти бўлиб, уларнинг 1 172 тасида 83 нафар тadbиркор томонидан аутсорсинг хизматлари йўлга қўйилган. Қолган 5 652 та давлат мактабгача таълим ташкилотларида болаларни аънанавий усулда овқатлантириш ташкил этилган.

Утган йилнинг 1 сентябрийдан мамлакатимиз барча ҳудудидидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида масаллиқлар рўйхати тўпلامидан келиб чиққан ҳолда тузилган ўн кунлик ягона мавсумий таомнома асосида тарбияланувчиларни овқатлантириш йўлга қўйилган бўлиб, Андижонда бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган.

Бугун вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси тасарруфида 549 та давлат мактабгача таълим ташкилоти бўлиб, уларида 122 минг 386 нафар бола тарбияланмоқда. Эътибор қилинг, 103 та давлат мактабгача таълим ташкилотларида болаларни овқатлантириш бўйича аутсорсинг усули жорий қилинган, 7 та аутсорсерга ошхоналар ижарага берилган. Қолган 446 та давлат мактабгача таълим ташкилотларида болаларни овқатлантириш туман ҳамда шаҳар Мактабгача ва мактаб таълим бўлими томонидан ташкил этилган.

Йилгида сенаторлар ўрганиб чиқилган давлат мактабгача таълим ташкилотларида болаларни овқатлантириш Вазирилар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги қарори билан тасдиқланган тегишли низоми талаби асосида ташкил этилмаётганлиги ҳам эътибор қаратди.

Хусусан, Шахрихон туманидаги 52-давлат мактабгача таълим ташкилоти биноси эски бўлиб, ошхонанинг ташқи ва ички хоналари тўлиқ таъмирталаб, стол, стул ва бошқа жиҳозлар етишмайди. Ошхона санитария-гигиена талабларига жавоб берадими, тозалаш

ишлари ўтказилмаган, идиш-товуқлар етарли эмас. Шунингдек, таом тайёрлаш, озиқ-овқат махсулотларини сифатли қабул қилиш ва сақлаш ҳолати ўрганилганда Кўргонтепа туманидаги 2-давлат мактабгача таълим ташкилотларида бракераж комиссияси томонидан махсулотлар қабул қилиб олинмаётганиги натижада сифатсиз озиқ-овқат махсулотлари кирим қилинганлиги аниқланди.

Айрим давлат мактабгача таълим ташкилотларида таомнома низомининг 6-бандига зид равишда, яъни ўн кунлик ягона мавсумий таомнома асосида тузилмаган. Шунингдек, улар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жаммоат саломатлиги кўмитаси ҳудудий бўлими билан келишилмаган, таомномага киритилган ўзгариш бўйича далолатнома расмийлаштирилмаган.

Тadbирда мактабгача таълим ташкилотларида болаларни овқатлантириш масаласи юзасидан масъул вазирилик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Айни чоғда сенаторлар соҳадаги мавжуд муаммоларни бартраф этиш бўйича таклиф ва тавсияларини берди.

Жисмоний шахсни биометрик идентификация қилиш тизими орқали тарбияланувчилар давоматини йўлга қўйиш, шу асосда озиқ-овқат харажати аниқ ҳисобини юритиш, овқатлантиришни ташкил этиш бўйича бракераж комиссияри томонидан озиқ-овқат махсулотларини қабул қилиб олишда ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш, етказиб берилаётган махсулотлар сифати бўйича назоратни юритиш ана шулар жумласидандир.

Яқунда муҳокама этилган масала юзасидан Сенат кўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МАМЛАКАТИМИЗ САЙЁҲЛИК ЙЎНАЛИШИДА УЛКАН САЛОҲИЯТГА ЭГА



Эътибор беринг, қиймати қарийб 226 млн. доллар бўлган мушарраф лойиҳа доирасида жаҳон стандартига мос аэропорт инфратузилмаси ташкил этилади. Бу эса соатига 1 минг 200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконини беради, йўловчилар ва ҳаво кемаларига сер-

вис, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш орқали янги халқаро авиакомпаниялар жалб қилинади. Бунинг натижасида сайёҳлар оқими кучаяди ва юртимиз, жумладан, Бухорода туризм локомотиви йўналишлардан бири сифатида ўзини намойён этади.

Албатта, бу мақсадларга осонликча эришиб бўлмайди. Бунинг учун аниқ режа асосида қаттиқ меҳнат қилиш талаб этилади. Шу сабабли мулоқотда бу салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва йирик лойиҳаларни ишга солиш учун мутасаддилар ва ҳокимлар соҳада фаолият олиб бораётган тadbиркорларни ўйлантираётган муаммоларни, фикр ва таклифларини ўрганиши, улар билан бамаслаҳат иш тутиши муҳимлиги давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида айтиб ўтилди.

Шунингдек, мутасаддилар, вилоят ҳокимларига туризм салоҳияти юқори бўлган 20 та тумани танлаб олиб, Россия, Туркия ва хитойлик малакали

мутахассислар иштирокида ушбу туманларнинг мастер-режасини ишлаб чиқиш, хар бирига камидан 50 млн. долларлик инвестиция жалб қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Кўриниб турибдики, мақсад юксак, вазифар залварли. Унга эришиш учун аниқ режа асосида тинимсиз изланиш керак бўлади. Албатта, бу биз, халқ вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, ушбу йўналишдаги вазифарлар ихроси юзасидан парламент назоратини йўлга қўймоқчимиз. Шу орқали масъулларга амалии ёрдам бериш ниятидаимиз.

Анвар ТҮЙЧИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор.

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

Мазкур йилгилишда гиждувонлик тadbиркорлар 10 ва 11-синф ҳамда коллеж ўқувчиларига дарсдан сўнг касб ўргатиб, 2 миллион сўмга оилки тўлаш, бепул тушлик ва бепул автобус билан таъминлаш таклифини билдирган. Президентимиз бу таклифини маъқуллаб, хайрли тажрибага айлантириш кераклигини таъкидлади.

Ишсиз, кам даромадли ва чет элда қийналган одамларга муносиб шароит яратиш, ишли қилиш ҳокимлар ва сектор раҳбарлари учун стратегик вазифа экани қайд этилар экан, бу борада Бухорода жорий йил кичик бизнесга 5,9 трлн. сўмга қўшимча яна 2,1 трлн. сўм кредит берилиши, кичик бизнес, туризм ва сервис учун яна 100 млн. доллар алоҳида ажратилиши айтиб ўтилди. Шубҳасиз, ушбу сазъ-ҳаракатлар натижасида июнь — декабрь ойларида 78 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкин.

Сир эмаски, одамларни ишли қилдиган катта имконият саноат зоналарида. Шу боис Когон туманида минг гектарда йирик саноат мажмуаси барпо этилмоқда. Биринчи босқичда 300 млн. долларлик лойиҳа амалга оширилди. Бу вилоят иқтисодиётига йилга 250 млн. доллар қўшилган қиймат, 2 мингта иш ўрни, 250 млрд. сўм солиқ тушуми ва 100 млн. доллар экспорт беради.

Уч минг йиллик тарихга эга Бухоро ўзининг тарихий ҳашамати ва гўзаллиги билан "Очиқ осмон остидаги музей" таърифини олган. Олимму уламолар, фозилу фузалар юрти ҳисобланган мазкур шариф шаҳар довуриги бутун дунёга машҳур. Қадимдан Буюк Ипак йўлида жойлашган ва қизгин савдо марказига айланган мазкур воҳа бугун ҳам ўзининг юксак салоҳиятига эга.

Сўнгги йилларда вилоятда бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар туфай-



ли бу ерга келаётган сайёҳлар оқими тобора ортмоқда. Энди Бухорода йилга 5 млн. хорижий турист келиши учун шароит яратилапти. Бунинг учун шаҳар марказида Боқий Бухоро маданий этнографик парки ва янги аэропорт қурилиши бошланди. Бу, ўз навбатида, вилоятнинг нафақат бой тарихий маданий меросини муҳофаза қилиш, замонавий қиёфасини яхшилаш, пировардида аҳоли реал даромадини ошириш ва фаровонлигини таъминлашга имкон яратади.

Шерзод РАҲМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Ийк ота» МФЙ ҳудудида барпо этилган «Янги Ўзбекистон» массиви фойдаланишга топширилди. 1352 та хонадондан иборат 18 та кўп қаватли уйлар туражойга эҳтиёжмандлар қувончига қувонч қўшди.

Бугун — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

ЭКОЛОГИК БАҲҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МАСЪУЛИК ВА ФАОЛЛИК ЗАРУР

Дунё миқёсида ҳар йили 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида кенг нишонланади. 1972 йил 5 июнда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича Стокгольмда ўтказилган конференциянинг резолюциясига асосан қабул

қилинган маъмур сана халқ орасида экологлар байрами, дея ҳам юрийтилади. Ушбу кун мазмун-моҳиятига кўра инсоният олдида турган кенг қўлмали ва чуқур илдиз отишга улгурган муаммоларга ечим излашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.



Шу боис мамлакатимизда аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадида барча соҳа қатори атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳанинг мукамал ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиши барқарор ривожланиш кафолати бўлаётди. Бинобарин, янги тахрирдаги Конституциямизнинг 49-моддасида ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи бўйича норма киритилди. Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш борасида чора-тадбирларни амалга ошириши қатъий белгилаб қўйилди. Бу эса инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний мафозатларини таъминлашга хизмат қилади. Сўнги йилларда соҳага оид қабул қилинган 20 дан ортиқ қонунлар ҳам экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини сақлашдаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш боробарида мамлакатнинг экологик баҳардорлигини таъминлаш имконини бераётди.

Агар рақамларга тўхтайдиган бўлсак, сўнги 6 йилда ичимлик суви соҳасига Давлат бюджетидан 14 трлн. 500 млрд. сўм ажратилган бўлиб, бу 2019 йилда ажратилган маблағларга нисбатан 4 баравар кўпдир. Агар рақамларга тўхтайдиган бўлсак, сўнги 6 йилда ичимлик суви соҳасига Давлат бюджетидан 14 трлн. 500 млрд. сўм ажратилган бўлиб, бу 2019 йилда ажратилган маблағларга нисбатан 4 баравар кўпдир.

Дунё миқёсида ҳар йили 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида кенг нишонланади. 1972 йил 5 июнда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича Стокгольмда ўтказилган конференциянинг резолюциясига асосан қабул қилинган маъмур сана халқ орасида экологлар байрами, дея ҳам юрийтилади. Ушбу кун мазмун-моҳиятига кўра инсоният олдида турган кенг қўлмали ва чуқур илдиз отишга улгурган муаммоларга ечим излашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунга қадар 166,8 км. каналлар реконструкция қилиниб, 352,2 км. каналлар бетонлаштирилган. Бу, ўз навбатида, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан бирга, етиштирилмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг пасайишига туртки бўлади. Бундан ташқари, сўнги йилларда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 9 та қуёш ва 1 та шамол электр станциясини ишга тушириш ва тармоққа улашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Бундан ташқари, сўнги йилларда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 9 та қуёш ва 1 та шамол электр станциясини тармоққа улангани ҳамда Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 6 та ГЭС ишга туширилгани эътиборга молик. 2020 йилга бориб эса Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия қувватларини 25 гигаваттга етказиш кўзда тутилмоқда. Бу табиий ресурсларни тежаш орқали атмосферага "иссиқхона газлари" чиқишининг олдини олишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Умуман, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш, флора ва фауна оламини асраб-авайлаш, глобал экологик инқирозга йўл қўймайлик инсоният олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бугунги сана туфайли эса барча халқлар бирлашиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, она ери-мизни асраб қолишга ўз ҳиссасини қўшади. Бундан биз ҳам ушбу жараёнга дахлдор сифатида атроф-муҳит муҳофазасига масъуллигимизни оширишимиз аини муддоа.

Хайрулло ҒАҒФОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.

Сув ресурсларини бошқаришда замонавий ёндашув

Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда 2016 — 2019 йилларда "Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси"нинг биринчи босқичи амалга оширилди. 2020 — 2023 йилларда лойиҳанинг иккинчи босқичи ҳаётга татбиқ қилинди.

Кунчи кеча Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Швейцария Конфедерацияси ҳукуматлари ўртасида "Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси"нинг учинчи босқичи ҳақидаги икки томонлама ҳужжатни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда бу лойиҳа мамлакатимизда сув хўжалиги соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётгани таъкидланди. Утган йилларда мазкур лойиҳанинг икки босқичи муваффақиятли амалга оширилганлиги эътироф этилди. Шу билан бир қаторда куйи тизим ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларнинг малакасини ошириш, вазирлик тизимидаги коллежларни ўқув дастурлари ва кўрсатмаларни янгилаш билан таъминлаш ҳам ёрдам кўрсатилгани айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ҳамда Сув кодексини ишлаб чиқишда ҳам лойиҳа амалий қўмак берди.

Биз эришган натижаларимизга асосланми ва сўй-ҳаракатларимизни янада кенгайтирагимиз, — деди Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчиси Константин Оболенский. — Бу лойиҳа суви самарали бошқариш, сув тежовчи технологиялар, рақамлаштириш ва Марказий Осиёда фермерлар ва маҳаллий сувдан фойдаланувчиларнинг салохиятини ошириш орқали иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича кўмагимизнинг асосий қисmidир. Шунингдек, ҳамкорликдаги фаолиятимиз давомидида фермерлар, сув ресурсларини бошқаришга ихтисослашган бўлажак мутахассислар, шу жумладан, томоққа ер эгаларининг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш ҳам кўзда тутилган.

Лойиҳа учинчи босқичининг умумий бюджетиди 3,55 миллион долларни ташкил этиб, 2024 — 2027 йиллар давомида амалга оширилади. Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев ва Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчиси Константин Оболенский имзолади.

«Халқ сўзи»

ЧИҚИНДИНИНГ ЗАРАРИДАН ФОЙДАСИ КЎП

Атроф-муҳит қанчалик тоза, мусоффо ва яшилликка бурканган бўлса, ҳаёт ҳам шунчалик гўзал, саломатлигимиз ҳам мустаҳкам бўлади. Чунки инсоннинг соғломлиги табиатнинг софлиги билан чамбарчас боғлиқ. Айтиш мумкинки, бугунги кунда одамлар тез-тез касалликларга чалинаётгани, турли вирусли хасталиклар пайдо бўлаётганининг асл сабаби табиатдаги мувозанат бузилиб бораётгани оқибатидир. Бу мувозанатни эса ўзимси, ўз кўлларимиз билан издан чиқараямиз. Буни ҳеч ким инкор эта олмайдди.

Таҳлилларга кўра сўнги йилларда маъиш ва саноат чиқиндиларининг йилдан-йилга ортаётгани Ер юзидида экологик баҳардорликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар йили дунёда чиқиндилар ҳажми 5 фоизга кўпаймоқда. Бу эса атроф-муҳитни ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларидан муҳофаза этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик тоза технологияларни амалиётга кенг татбиқ қилишни тақозо этимоқда.

Олимларнинг илмий изланишлари ва амалга оширилган тадқиқотларига кўра алюминий консерва кутилари — 80 — 200, кучланиш батареялари — 100, каучуқли этик — 50 — 80, пластик ичимлик идишлари — 450, нейлон мато — 30 — 40, чарм пойабзал — 25 — 40, тери, қалай консерва кутиси 50 йилгача чиримайди. Бу маълумотлардан англаш юборилган чиқинди атмосферага, ерга, сувга ва албатта, соғлигимизга узоқ йиллар давомида жиддий зарар етказилади.

Боз устига ҳозирги кунда тобора кўпайиб бораётган электрон чиқиндилар ҳам экологияга катта ҳаф тўғдиримоқда. Ҳар йили Ер юзиди 3 миллион тоннадан ортиқ электрон чиқиндилар пайдо бўлмоқда. Мисол учун, биргина мобил алоқа воситасини оладиган бўлсак, бу

механизм 500 тадан 1000 тагача қисмлардан ташкил топган. Уларнинг кўпчилиги оғир металллар: кўрғошин, симоб, кадмий ва бошқа кимёвий моддаларни ўз ичига олади. Электроника саноати ривожланиб бораркан, бундай чиқиндиларнинг миқдори ҳам ортиб бораверади. Тан олиш керак, узоқ йиллар чиқиндиларнинг ома табиатга зарари ҳақида ўйлаб кўрганамиз йўқ. Билсак ҳам билмасликка олиб юрдик. Энди икки оёқ табир этикка тикилганда, яъни глобал муаммолар кўпайганда чора излаямиз. Бугунги кунга келиб табиатни ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларидан муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик тоза технологияларни амалиётга татбиқ этиш ҳар қачонгидан-да долзарб масалага айланди. Бу борада олимлар жиддий бош қотиришмоқда. Чунки табиатни асраш — инсониятни асраш, демек.

Албатта, мамлакатимиз иктисодиёти йил сайин ривожланаётгани, завод ва фабрикаларнинг кўпайиб бораётгани яхши. Аммо ана шу тараққиёт ортида ҳавога чиқарилаётган зарарли чиқинди ва газларнинг кўпайиши ҳақида вотирилидир. Қолаверса, чиқиндиларнинг ортиши аҳоли сонининг кўпайиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Бундай шароитда уларни қайта ишлаб даромад олиш имкониятидан самаралироқ фойдаланиш лозим. Масалан, дунёнинг ривожланган мамлакатларида чиқиндилар катта даромад манбаига айланиб бормоқда. Ҳатто уларни ёқиб, муқобил энергия олиш усули ҳам кенг йўлга қўйилган. АҚШ, Испания, Хитой, Япония каби давлатларда чиқиндилардан самарали фойдаланиш борасида бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқи-

либ, амалиётга кенг татбиқ этилаётди. Испанияда чиқиндиларни хомашё сифатида ёқиш учун махсус иссиқлик ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Уларнинг марказлаштирилган иссиқлик энергияси бозоридаги улуши 55 фоизни ташкил қилади. Яна бир қизиқ факт шундирки, чиқиндини ёқишдан ҳосил бўлган қулдан металл ҳам олинади. Ҳатто канализацияга ташланганидан органик моддалар ҳам энергияга айлантирилади. Бундай чиқиндилардан таркибда метан бўлган биогаз, сўнгра шаҳар транспорти учун биоёнилги ишлаб чиқарилади. Японияда саноат чиқиндилари ўртача 30 фоизни ташкил этади. Қайта ишланган бундай чиқиндилар маҳсулот сифатида экспорт қилинади. Бу эса, ўз навбатида, Японияга қўшимча даромад келтиради. Мамлакатимизда ҳам чиқиндиларни қайта ишлаш, улардан муқобил энергия ишлаб чиқиш, қисқача айтганда, даромад манбаига айлантириш борасидаги дунё тажрибасини татбиқ этиш вақти келди.

Бугунги кунда чиқинди полигонлари аҳоли яшаш жойларидан узоқлаштирилган ҳамда қайта ишлаш тизими йўлга қўйилган, — дейди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бўлими бош мутахассиси Умаржон Абдуллаев. — Бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, республикамизда ҳар йили ҳосил бўладиган 10 миллион тоннага яқин маъиш чиқинди 300 га яқин қайта ишлаш корхоналарига юборилади. Бу эса умумий чиқиндилар миқдорининг 35 — 40 фоизини ташкил қилади. Яқин келажакда бу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш — чиқиндиларни йўқ қилиш эмас, балки улардан хомашё сифатида унумли фойдаланиб, яхши даромад олиш кўзда тутилган. Ҳаёт бор экан, албатта, чиқиндилар ҳам бўлади. Бу — табиий ҳол. Фақат уларга керакисиз нарса эмас, хомашё, даромад манбаи сифатида қарасак, нафақат ҳавомиз софлигига эришамиз, балки яхшигина фойда олишга, янги иш ўринлари яратишга муваффақ бўламиз.

Самандар ПАРДАБОВ («Халқ сўзи»)

Қадимий ва навқирон кентнинг шарафли мақоми

Шу йилнинг 31 май — 2 июнь кунлари Хивада Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирларининг "Туристтик индустрияни барқарор тарзда ривожлантириш" мавзусидаги XII сессияси бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон томонидан ушбу халқаро тадбирга тайёрларик бўйича амалга оширилган ишларга юксак баҳо берилди ва ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида туризм алоқаларини ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Муҳбиримиз ушбу нуфузли анжуман иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Сессия



Аҳмед Кавеса СЕНГЕНДО, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг иқтисодий ишлар бўйича котиб:

— Хива ўтмишда мадания ва илм маркази сифатида тан олинган. 2500 йиллик тарихга эга бу афсонавий шаҳарни томоша қилиш учун дунёнинг турли бурчларидан келадиган сайёҳлар оқими йилнинг тўрт фаслида ҳам тўхтамайди. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, жумладан, маданий меросини асраб-авайлаш, янги сайёҳлик йўналишларининг йўлга қўйилиши, виза тартиб-ишончи соддалаштирилиши, инфратузилманнинг ривожланиши ва транспорт қатновларининг кенгайиши Хивага 2024 йилда Ислом дунёсининг туризм пойтахти мақомини беришида муҳим омил бўлди.

Гада ШАЛАБАЙ, Миср туризм вазири ўринбосари:

— Ўзбекистон ва Миср ислом маданиятини бутун дунёга танитишда узоқ йиллик ҳамкорлар ҳисобланади. Икки давлат ўртасида туризм алоқаларини янада кенгайтириш, сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида Тошкентдан Миср шаҳарларига авиақатновларни кенгайтиришни режалаштираямиз. Бу гунги анжуман бу йўналишдаги фаолиятимизни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади. Ташриф давомида Хивадаги қадимий осориотикалар, архитектура ёдгорликлари билан танишиб, бу шаҳарга Ислом дунёсининг туризм пойтахти мақоми бежиз берилмаганига яна бир бор амин бўлдим.

Темур ДАВЛЕТОВ, Хива шаҳри ҳокими:

— Президентимизнинг 2023 йил 12 июлдаги "Хива — 2024 йилда Ислом дунёсининг туризм пойтахти" халқаро тадбирига тайёрларик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қадимий ва навқирон шаҳарнинг туристик салохиятини, нуфузини халқаро майдонда янада оширишга, фаол тарғиб қилишга имкон яратди. Халқаро тадбирларга тайёрларик доирасида шаҳарда туризм инфратузилмасини ривожлантириш, янги музей ва экспозициялар барпо этиш бўйича кенг қўламадаги ишлар амалга оширилди. Ислом ҳамкорлик ташкилоти томонидан шахримизда берилган юксак мақом ички ва ташқи туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажмини ошириш имконини беради. Йил бўйи давом этакдан маданий тадбирлар, хорижий ва маҳаллий журналистлар учун уюштирилаётган медиатурлар нафақат шаҳарни, балки бутун мамлакатимизни дунёга кенг танитади. Умуман, жаҳон жамоатчилиги юртимизнинг тарихи, табиати, халқимизнинг турмуш тарзи ва маданияти, урф-одат ва аъноалари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

Халқаро тадбир доирасида ўтказилган юқори даражадаги экспертлар гуруҳи йиғилишида расмийлар томонидан ташкилотда туризм йўналиши бўйича раислик Озарбайжондан Ўзбекистонга ўтганини эълон қилинди. Шунингдек, Хивада "Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг бетакрор қадимликлари" мавзусида суратлар кўргазмаси очилди. Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирларининг Хивада ўтказилган навбатдаги сессиясида ташкилот бош котиб Хусайн Иброҳим Тоҳа, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиб Хусров Нозир, Ислом олами таълим, фан ва маданият ташкилоти бош котиб Салим ал-Малик, 57 та давлат туризм вазирлари ва қатор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»)

Жанубий Кореяда таэквондо WT бўйича ҳарбийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида вакилларимиз жами 12 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 642. 14 054 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетани ҳақидаги маълумотларни оқиб олдиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ташкилотнинг келган қўламақлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жаобгар. Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади. Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.42 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6